УзССР Давлат нашр қўмиталари
Ҳ
Ном. ҳисобга олинди УзССР
290994

Муаллим инсон қалбининг меъморидир

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1994 йил 28 сентябрь, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда.

№ 115 (6632)

ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ XVI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам халқ ноиблари!

Қадрли дўстлар!

Олий Кенгашнинг бугунги XVI сессияси давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга моликдир.

Аввало, бу сессия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги санасига тўғри келгани билан эътиборга сазовор. Куни кеча бўлиб ўтган байрам тантанаси бутун халқимиз ва жаҳон аҳлига танлаган йўлимизнинг тўғрилигини, мустақил тараққиётнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини яна бир намоён этди.

Бу байрамни мамлакатимиз барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сурган бир шароитда, бозор иқтисодиёти сари амалий қадамлар қўйилаётган, аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама муҳофаза қилинаётган, давлатимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган бир вазиятда нишонлади.

Уч йил — тарих учун қисқа фурсат. Аммо жамият тараққиётини ҳал қилувчи замонда давр календарь варақалари билангина эмас, балки жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг теранлиги ва аҳамияти билан ўлчанади.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, биз ўз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб ўтдик, давлат тизими ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришларга эришдик.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси ҳамда ваколати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор қурди ва бошқарди.

Ўйлайманки, ҳозир ҳар биримиз, ҳар бир депутат бугун тарих бўлиб қолган фаолиятимиздаги биринчи қўйган қадамларимизни, ўша унутилмас кунларни хаёлда қайтадан яшаб тургандекмиз. Шу боис ўша мураккаб, чигал, айни вақтда шарафли кунларнинг мазмун-моҳиятини яна бир карра кўз ўнгимиздан, юрак ва тафаккуримиздан ўтказишимиз табиий ҳолдир.

Шуни, биз бу қисқа муддат мобайнида, асрларга тенг долғали бир ҳаётни бошимиздан кечирдик. Тарихда асло ўхшаши бўлмаган ижтимоий жараёнларга дуч келдик. Тақдир бизнинг авлодимиз, сизу бизнинг зиммамизга мисли кўрилмаган синов ҳамда вазифаларни юклади.

Шунинг учун ҳам бугун босиб ўтган йўлимизга холисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нуқтаи назаридан идрок этиб баҳолаш зарур, деб ҳисоблайман. Баҳолаганда ҳам шунчаки расмий кўз билан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан тўғри ва ҳалол баҳо бериш лозим.

Нега деганда, жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор. Биз бу ғояни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади деб белгиладик ва шу йўлдан оғишмай боришга интилмоқдамиз.

Аслини олганда, биз ҳисоботни халқимиз олдида, давр олдида беришимиз даркор. Қилган ишларимиздан элу юртимизга нима наф тегди, депутат, раҳбар, ёки оддий фуқаро сифатида ватанга қандай фойда келтирдик, деб ўзимизга савол берсак, менингча, адолат юзасидан иш тутган бўламиз.

Чунки охир-оқибатда бизнинг барча ишларимизга ҳаққоний баҳо берадиган одил ҳакам — бу халқ, шу азиз юртдошларимиздир.

Шу маънода ўтган даврга, аввало, дунёнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлари нуқтаи назаридан назар ташлаш ўринлидир.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги улкан ва унутилмас воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. 70 йилдан зиёд вақт давомида дунё икки қарама-қарши лагерга бўлиниб, инсоният доимий таҳлика остида яшади. Жаҳонда ўзаро таҳдид ва қўрқув муҳити ҳукм сурди.

Айни пайтда ер юзининг турли минтақаларида миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб борди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг ғоясига айланди. Ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар бирин-кетин эркинликка эриша бошлади. Мустамлакачилик сиёсати ижтимоий ҳодиса сифатида халқаро майдонда ҳалокатга маҳкум этилгани тобора аён бўла борди.

Айтиш мумкинки, бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида ажралиб туради.

Ва ниҳоят, аср адоғига келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сўнгги империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олийжаноб шиорлар билан бежаб бўялса-да, моҳият эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди.

Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл-заковати даражасида миллий давлатларни барпо этишга киришди.

Ўзбекистон халқи ҳам асрий орзусига эришди. Азиз Ватанимиз узра истиқлол байроғи ҳилпиради.

Ҳурматли депутатлар!

Юртдошлар!

Кейинги тўрт-беш йилда орттирилган озми-кўпми тажрибамиз, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизда кечаётган жараёнларнинг хусусиятлари дастлабки якунлар, ютуқ ва хатоларимизнинг сабоқлари ҳақида айрим хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Лекин бундай хулосаларни баён этиш ва таҳлил қилишдан олдин, бир зумга бўлса-да, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989-1990 йилларга хаёлан қайтайлик.

Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

— Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг "Ассалом!.. деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас меросларимиз билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди! Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ёки истиқлолнинг дастлабки чоғларини ёдга олайлик. Ўша пайтларда шундай чигал, хатарли вазиятлар рўй бердики, агар биз салгина янглишсак, ҳушёрлик ва қатъиятни озгина бой берсак, баъзи бир бақириқ-

(Давоми 2-бетда)

2 октябрь - Халқ таълими ходимлари куни

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Қадрли дўстлар, ҳамкасблар, маорифимиз заҳматкашлари! Сизларни касб байрамингиз — Халқ таълими ходимлари куни билан қизғин қутлаймиз, ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда демократик жамиятимизни узлуксиз ривожлантиришдек шарафли ишда фаол иштирок этишингизда янгидан-янги ютуқлар, мустаҳкам саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз!

Ўқитувчилар, тарбиячилар, барча халқ таълими ходимлари зиммасига бугунги кунда мактаб парталарида ва талабалар аудиторияларида фан асосларини ўрганаётган, келгусида улуғвор вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган ёш авлодни энг яхши миллий ва жаҳоний анъаналар асосида тарбиялашдек муқаддас вазифа юклатилган. Биз ишонамизки, ўз ҳаёти ва меҳнати билан инсонпарварлик, тинчлик ва тараққиётнинг ахлоқий тамойилларини амалда намоён эта оладиган тарбиячи ва ўқитувчилар жамиятимиз улуғвор ғояларини рўёбга чиқаришда ташаббускорлик кўрсатадилар, улкан ва муҳим ишларни бажаришда ҳамиша ҳукуматимизнинг, халқимизнинг кўмакчиси бўлиб қоладилар. Бунинг учун халқ таълими ходимларида барча шарт-шароитлар мавжуд Ўзбекистон халқ таълимининг ўз обрў-эътибори ўсиши учун, тараққиётда жаҳон мезонлари даражасига кўтарилиши учун кўпдан-кўп ишлар қилинмоқда. Президентимиз И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқида таълим масалаларига, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси муаммоларига катта эътибор берилганлиги бу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Биз халқ таълими ходимлари ана шу буюк келажакка эришишни жадаллаштириш учун бутун куч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини, тажриба ва ташаббускорликларини сафарбар этадилар, деб ишонамиз.

Байрамингиз муборак, азиз дўстлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТАЪЗИМ

Ўғлим, толеингда иккинчи онанг,
Бошингда парвона муаллиминг бор.
У билан ёруғдир қоронғу хонанг,
У тўшар умрингнинг йўлларига зар.

Мен сенга шунчаки кўзлар берганман,
Муаллим ўргатар кўра олмоқни.
Дилбандим, мен сенга она бўлганман,
Сенга у ўргатар она демоқни.

Мен сенга тилингни берганлигим рост,
Доно сўзламоқни у ўргатади.
Мен сенга қўлларинг берганлигим рост,
Қалам ушламоқни у ўргатади.

Мен сенга сут бердим, у эса зиё,
Унингсиз йўлларинг бўлмас ойдин, оқ.
Сени севмоғимни билади дунё,
Аммо у севади мендан ортиқроқ!

Сенга алла айтиб куйчи бўлганман,
У эса ўзингни шоир қилади.
Бўйларинг ўсганда кўнгли тўлганман,
У ақлинг ўстириб кўнгли тўлади.

Гўдаклик чоғингда бўлганман бедор
Ва сенга бахшида этганман ҳаёт.
У эса яшашни ўргатар минг бор,
Сени деб безовта яшар умрбод.

Сен агар ҳурматим сақламоқ бўлиб,
Истакларим сўраб турсанг қошимда
Аввал муаллиминг қўлларини ўп,
Фидойи қалбини кўтар бошингга!

Сенинг инсонлигинг, борлигинг учун,
Муаллимдан менинг жуда кўп қарзим.
Пайти келиб бошинг кўкка етган кун
Иккимиз учун ҳам унга қил таъзим.

Хосият БОБОМУРОДОВА.

Суратда: Избоскан туманидаги Ал-Хоразмий номидаги 15-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, ижодкор муаллима Муборак Каримова амалий машғулот ўтказаяпти.

ЯНА БИР ҚАДАМ

Бир сўз бор. Юксакликда энг баланд тоғларнинг энг баланд чўққиларидан-да юксакроқ. Гўзалликда Эрам боғларида юз очган гулларга менгзагулик. Тиниқликда тоғ бағрида кўз очган чашмалардан-да зилол. У ҳар тун само денгизига сочилгувчи сон-саноқсиз юлдузлардай ложувард, ҳар тонг шарқдан ғарбга томон йўл олгувчи қуёшдай ҳарорат бахш. У сўз қурту кумурсқадан тортиб бутун тириклик оламини кафтида кўтариб турган заминдек залворли. Қоронғуликни ёритган нурдек азиз ва ардоқли.

Дарҳақиқат, инсон камолотининг бош мезони бўлган бу сўз — маънавиятдир. Ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаётга муҳаббат, юксак тафаккур, юксак билим, яхшиликларга, гўзалликларга ошнолигу ташналик, адолатпарварлик. Хуллас, жамики эзгу хислатлар шу сўз замирига жо бўлиб кетган.

Аждодларимиз ниҳоятда юксак маънавият соҳиби бўлганлар. Аждодларимиз ниҳоятда теран ақлу тафаккур эгаси бўлганлар. Бу билан ҳар қанча фахрлансак ҳақлимиз.

Аммо, надоматлар бўлғайким, етмиш йилдан зиёдроқ ҳукм сурган советлар даврида маънавиятимизга қайсидир маънода дарз кетди. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз оёқ ости қилинди. Миллий ғурур, миллий онг тушунчаларини фарқлолмайдиган даражага етиб қолдик.

Шукрлар бўлсинки, истиқлол туфайли қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Ҳуқуқий давлат сари дасталабки қадамларни қўймоқдамиз. Ҳуқуқий давлат қуришдан тортиб барча интилишларимиздан энг олий мақсад эса инсоний жамият тузишдир. Демак, энг аввало, халқимизнинг маънавиятини кўтармоқ, миллий онгини уйғотмоқ даркор. Худди шунинг учун ҳам бу масалага давлат сиёсати даражасида қаралмоқда бугунги кунда. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг ташкил этилиши бу борадаги диққатга сазовор, хайрли иш бўлди.

Шу ўринда яна бир хушхабарни айтиб ўтмоқчимиз. Жамоатчилик асосида иш юритадиган "Маънавият ва маърифат" марказининг дастлабки шохобчалари ташкил этилмоқда. Шундай шохобчалардан бири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида очилди.

Шу муносабат билан институтнинг кутубхоналар залида йиғин бўлиб ўтди.

Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг раиси Эркин Юсупов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Фозилжон Исмоилов, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғофир Набиев, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов, физика-математика фанлари доктори Маматмусо Мамадазимов ва бошқалар маънавиятнинг ҳаёт ва тараққиётдаги ўрни, Ўзбекистон истиқлолининг барқарорлигига қўшадиган ҳиссаси, миллий бирликнинг аҳамияти, умуминсоний қадриятлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Йиғилиш сўнгида ташкилий масала кўрилди. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қошида ташкил этилган бўлимига фалсафа фанлари доктори Фозилжон Исмоилов бир овоздан раис этиб сайланди. 15 кишидан иборат кенгаш аъзолари тасдиқланди.

Ҳа, эзгулик йўлига янги бир қадам қўйилди. Мақсадлар аниқ, режалар пухта: инсон камолотига, жамият тараққиётига хизмат қилиш.

Зубайда УСМОНОВА.

БУЮК АЛЛОМАГА БАҒИШЛАНДИ

Андижон вилояти ёш табиатшунослар масканида буюк аллома Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб кеча ўтказилди. Кечада буюк фалакиёт олими ҳақида табиатни муҳофаза қилиш тўгараги раҳбари Иброҳим Алиев маъруза қилди. Шаҳардаги 30-ўрта мактаб ўқувчилари олимга атаб шеърлар ўқишди, саҳна асарларидан парчалар намойиш қилишди. Табиатшунослик тўгараклари кўргазмалари кўпчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ИЛМ ИСТЕЪДОДЛАРНИКИ

уларга эса шарт-шароит зарур

Айрим ўқитувчилар билан суҳбатлашсангиз, бир гапни айтишади: ўқувчилар ўқимай қўйишди? Аслида-чи? Аслида эски, қотиб қолган, зерикарли ўқитиш услублари бугунги кун ўқувчисини қониқтирмай қўйди. Шу боис, республикамизда янги, мустақил таълим тизими яратилмоқда. Гимназиялар, ихтисослашган мактаблар, лицейлар очилаяпти. Кундан-кунга бу билим даргоҳларига эътибор ошиб боряпти. Улардан келаётган натижа ҳам кутгандан аъло. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Аввало, толиби илм учун асқотадиган шароит ва муҳит зарур. Мирзо Бобур бежиз "Мен толиби илму толиби илме йўқ" деб ёзғирмаган эди. Мана, бир далил: Сирғали туманидаги 300-лецейнинг шу йилги 79 битирувчисидан 71 таси олий ўқув юрти талабаси бўлди.

— Бизда ўқувчиларнинг илм олиши, ўз имкониятларини намоён этиши учун барча шароитлар мавжуд, — дея изоҳ берди лицей директори Дилшода Абдуназарова. — Муҳими, ўз фанини чуқур билувчи ўқитувчиларимиз бор. Тўла жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув лабораториялари ўқувчилар хизматида. Лицейда жисмоний тарбия дарсларидан ташқари шахмат, ритмика, таэквондо бўйича сабоқлар ҳам олиб борилади. Бу эса ўқувчиларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан ривожланишига, том маънода комил инсон бўлиб етишишига ёрдам бермоқда. — Биз, аввало, 6 ёшли болаларни танлаб олиб, уларни сиртдан ўқишга тайёрлаймиз. Болалар 2-синфга алифбени билган ҳолда келишади. 7-синфда яна бир марта танлов бўлади. Бунда биздаги йўналишлар бўйича таълим олишга лаёқатлиларгина қолади. Биргина мисол. Шу йили 11 "А" синфни битирган 22 ўқувчининг барчаси олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Мамлакатимизга мустақил республикамиз равнақи учун хизмат қилувчи, илмли, ҳар жиҳатдан етук ёшлар керак. Ҳар ким ўз имкони даражасида ишлайди. Илм эса лаёқатлиларники. Шунинг учун ҳозирги асосий вазифа истеъдодларга етарли шарт-шароит яратиб, уларни тарбиялашдир. Улуғ бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб айтганидай, илм баланд тоғдаги доривор гиёҳ каби хосиятлидир.

Асқар ШОКИРОВ.

ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

чақириқ йўлига ўтган "доҳий" ларнинг гапига кирсак, ўта хотиржамлик ва ғафлатга берилсак, эҳтимол, бугунги кунда халқимиз тақдири, ватанимиз тақдири бутунлай бошқа йўлдан кетиши, боши берк кўчаларга кириб қолиши мумкин эди.

Буниям аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Шукурки, Оллоҳ барчамизга шундай қийин фурсатларда ақл-идрок берди, сабр-матонат ато этди, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатдан айирмади. Халқимиз, миллатимиз шу мушкул синов кунларига том маънода бир тану бир жон бўлиб бардош берди, ўзининг улуғ фазилатлар соҳиби эканини яна бир карра намойиш этди!

Бунинг учун мен шу элу юртнинг бир фарзанди сифатида мана шу юксак минбардан туриб халқимизга таъзим қиламан.

Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

Чунки фақатгина шу йўл билан халқимизни, миллатимизни таҳликали дунёда омон сақлаш ва камолга етказиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирсак, бугунги кунимизни тўқсонинчи йил билан солиштирсак, қиёсласак, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни, эришилган ютуқларимизнинг асосий мезони деб:

Биринчи навбатда, одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайишини кўрамиз.

Қайта қуриш даврида кишилар онги бузилганини бир марта эслаб кўрайлик. Ўшанда бизлар ҳам юқумли бир касалга мубтало бўлувдик. Яъни, сохта демократия ниқоби остида қилинган узоқни кўзламаган турли ҳаракатлар ҳали ҳам ёдимизда. Биз шундай касалликдан бошқаларга нисбатан анча осон қутилдик.

Мамлакатимиз — ягона оила, деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳалла-кўйда, оилада маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олийжаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заминда яшаётганимизни ҳис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

Ҳаётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси муносиб ўрин топяпти. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз соддагина қилиб "ўзбекчилик" деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олийжаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуғ ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта ҳаётимиз эга.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаётимизни, маънавиятимизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар.

Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Тарихий шон-шуҳратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ҳам — бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир.

Янги жамият ва давлат қуришда дадил қадамлар қўйдик.

Тоталитар тузумдан ва унинг бошқарув услубларидан батамом воз кечдик. Республикада жаҳон тажрибасига жавоб берадиган, ўзимизнинг дунёқарашимизга мос сиёсий тизим қарор топяпти.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга хос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни замонда, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди. Янги бошқарув тизими халқимиз табиатига, халқимиз талабига мос келиб, юртимизда тинчлик ва тотувликни сақлаш гарови бўлмоқда.

Бошқарувга янги ва ёш, жисмоний ва маънавий соғлом авлод вакилларининг кўпроқ жалб этилаётгани ҳам — бугунги куннинг яна бир фазилатидир.

Катта ютуқларимиздан яна бири шуки, биздан олдинги авлодлар озиқланган муборак заминда янги юксак бино — буюк давлат қуриш ва жаҳон давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллаш учун ҳаракат бошланди.

Бу улуғвор мақсад сари сабот билан интилиш ҳам — янги давр аломатидир.

Юртимизда бошланган бундай ҳаракатларда фахрийларимиз, нуроний отахонларимиз ва онахонларимизнинг ҳиссаси катта бўлгани бизни беҳад қувонтиради. Уларнинг биз билан бирга, ёнма-ён, елкама-елка туриб, бизларга ақл ўргатиб, онгимизни бойитиб, керак бўлган чоғларда, бугунги тинч ва осойиш ҳаётимизнинг қадрини тўғри тушунтириб, савобли ишларимизга оқ фотиҳа бериб тургани бизга доимо мадад бўлади, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Яъники, бизнинг жамиятда бўлиниш, парокандалик юз бермади. Аҳиллик ва умум маслаҳати қарор топди. Бу ҳам бизнинг энг муҳим ютуғимиз ва кучимиздир.

Айни замонда, ўз миллий мафкурамизни шакллантириб, ўзлигимизни тобора кўпроқ англаб бораётган бир шароитда бошқа миллатларга ҳурмат, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга — унинг ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар — муносиб шароит яратиб бериш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам бугунги даврнинг энг олийжаноб фазилатидир.

Ҳурматли депутатлар!

Бугунги ҳаётимиздаги энг долзарб вазифа, бу — иқтисодий ислоҳотларни тез суръатлар билан пировардига етказиш, уларнинг самарасидан баҳраманд бўлишдир.

Бунинг учун бошлаган ишларимизни жадал давом эттиришимиз керак. Бугунги кундаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш деб биламан.

Бу вазифани бажаришда — хоҳ саноатда ёки қурилишда, хоҳ савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, хоҳ қишлоқ хўжалик тармоқларида бўлсин — ҳеч қандай расмиятчиликка, хўжакўрсинликка, "мендан кетгунча — эгасига етгунча" деган бепарволикка йўл бермаслик керак.

Белгиланган тадбирларимизда энг катта эътибор — мулкчилик шаклидан қатъий назар — корхона, ташкилот, хўжалик, меҳнат жамоаларининг **иқтисодий мустақиллигини** янада мустаҳкамлаш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилади.

Яна бир муҳим масала. Шахсий ва хусусий мулк эгаларига, уларнинг даромадига кўз олайтирмасдан, кенг йўл очиб бериш. **Қонун ва фармонларимизда белгилаб қўйилган дахлсизлик ва кафолатларнинг қоғозда эмас, амалда бўлишига эришмоқ даркор!** Афсуски, ҳозирча ҳаётда шундай бўлмаяпти. Аввалги — ҳаммани сунъий равишда тенглаштириш даври ўтди. Бу масаладаги қарашимизни ўзгартиришимиз даркор. Чунки бир одам ҳалол меҳнати орқали бойиса, бошқаларга ҳам нафи тегади. Халқ бой бўлади.

Маълумки, меҳнат жамоаларига биз талай эркинликлар бердик.

Халқ хўжалигини бошқариш тизими қайта тузилди. Вазирликлар ва уларнинг органлари маъмурий бошқарув тизимининг жойлардаги бўлими сифатида тугатилди.

Давлат буюртмалари бекор қилинди ёки кескин қисқартирилди. Эркин нархга ўтдик. Бор ҳуқуқ ва имкониятлар бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзларига бериб қўйилди.

Бу тадбирларимиз илк самарасини бермоқда. Лекин ислоҳотлар йўлидаги фаолиятимизни танқидий кўз билан холисона баҳоласак, кўп ачинарли ҳолатларни кўриш мумкин.

Аввало, ишлаб чиққан дастуримиз, тадбирларимизни ҳаётга тадбиқ қилишда айрим раҳбар ва ходимларнинг **тушунчаси, ислоҳотга муносабати ва масъулияти, иш бажариш интизоми** кўп жойларда талаб даражасида эмас.

Бир нарсани жуда яхши ўрганиб олганмиз: минбарларда, мажлисларда сўзга чиқиб, ислоҳотларни мақтаймиз, иш қиляпмиз, деб одамларни ишонтирамиз, баландпарвоз ваъдалар берамиз, амалда эса — бутунлай бошқа ҳолат.

Бундай юқумли касалликдан, хўжакўрсинга вайсашдан, расмиятчиликдан тезроқ қутилиш керак. Бундай ҳолатнинг чўзилиши, аввало, ислоҳотнинг ўзига, аҳамияти ва обрўйига доғ тушириши, охир-оқибатда эса, одамларимизнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги энг муҳим вазифа — халқимизнинг, ишчиларимизнинг бор кучини бунёдкорликка сафарбар қилиш.

Албатта, ҳаммамиз ҳам биринчи навбатда, раҳбарлик лавозимида ўтирган кишилар, бугунги кун талабларига жавоб бериш учун билим ва малакамизни оширишимиз, замонавий тажрибаларни қунт билан ўрганиш, изланиш ва тадбиркорлик йўлида ўзимизни аямаслигимиз лозим.

Албатта, тайёр раҳбар ва мутахассисларни топиш қийин. Аслида бу — энг мураккаб масала. Чунки раҳбарлик қобилияти ҳам одамнинг пешонасига битилган бўлади. Агар раҳбар эгаллаган лавозимига мўноснб бўлса, ўша жойда халқ ўз ҳимоясини топади. Лекин, минг афсуски, раҳбарларимизнинг кўпчилиги ҳануз боқимандалик кайфиятидан қутилгани йўқ, эски тизимнинг қотиб қолган услуб ва асоратларидан халос бўлмаяпти.

Кимдир юқоридан келиб уларга ҳамма шарт-шароитларни ташкил қилишига умид боғлаб, ўз масъулиятини сезмасдан ўтирган раҳбарларни учратиш жуда ачинарли ҳолдир.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бугунги қийинчиликларни енгиш, тўғри йўл топиш, бу — жуда мураккаб ва қийин вазифа. Лекин, шу билан бирга, раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнингтина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор. Элим, юртим деб ёниб яшаш керак деган шиор энг аввало ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, инсофли, янгиликка интилувчи, кучли раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяди. Қарабсизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соғлом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши.

Муҳит қаерда носоғлом? Бу саволга аниқ жавоб бериш мумкин.

Қўлидан иш келмайдиган, ман-манликка берилган, ғўдайган, атрофидагиларни менсимайдиган, уруғчилик, маҳаллийчиликни авж олдирган, аввало ўз манфаатини кўзлайдиган раҳбар шундай носоғлом аҳволга, жанжал, тўполон, қарама-қаршилик ва адоватга тўла муҳитга сабаб бўлади.

Халқимиз "бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади", деб бежиз айтмайди, муҳити носоғлом бундай хўжалик ва туманларда ҳақиқатдан ҳам файзу барака ва омад йўқолади. Шунга қараб, хулосани ўз вақтида чиқарсак, ишимиз ҳам ўнгидан келиб, тезроқ юришиб кетади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Ҳаммангизга маълумки, бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган носоғлом иқтисод асоратларини йўқотмасдан, айниқса, хом ашё минтақасига айланган, бир ёқлама ривожланган ишлаб чиқаришни ўзгартирмасдан туриб, тўла мустақилликка эришиш қийин.

Ўтмишнинг бундай оғир асоратларини ҳали ҳамон сезиб турибмиз.

Шу боисдан ҳам эски хатоларни тузатиш билан бир вақтда, бутунлай янги иқтисодиётни шакллантиришимиз керак.

Соҳа тизимлари жиддий ўзгартиришларга муҳтож. Қисқа вақт мобайнида кескин ўзгаришларга эришиш, биринчи навбатда, ихчамгина замонавий технологияга суянган тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналарни бунёд этиш ўта мушкул экани равшан ва бу кўплаб маблағ ҳамда инвестицияларни талаб этади.

Лекин бугуннинг ўзидаёқ халқ хўжалигини жумҳурият эҳтиёжлари ва халқ талаблари томон буриш учун бутун кучимизни сарфлашимиз зарур. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Энди уларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш керак.

Маълумки, ҳар қандай давлат, шу жумладан, жумҳуриятимиз ҳам энергетика мустақиллигига эришгандагина чин маънода мустақил бўла олади. Яқин-яқингача биз ҳаёт-мамотимизга дахлдор нефть, нефть маҳсулотлари ва энергия ресурсларини асосан Россиядан олиб келишга мажбур эдик. Лекин кейинги икки-уч йил мобайнида бу соҳада ҳам мустақилликка эришиш йўлида кўп иш қилинди. Мен бугун Мингбулоқ, Кўкдумалоқ конларини ўзлаштиришда матонат кўрсатган инсонларга яна бир бор ташаккур айтаман.

Бугун эса вазият ўнгланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуи яхши ишламоқда. Нефть, табиий газ, кўмир қазиб олиш ҳажми кўпайди. Нефть қазиб олиш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизнинг ўзида мазут, дизель ёнилғиси, нефть мойларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортди. Бу борада Мингбулоқ ва Кўкдумалоқдаги нефть конлари яхши истиқболлар очмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

Бутун Ёқилғи-энергетика комплексини бундан буён ҳам жадал ривожлантириш сиёсатимизнинг устивор вазифаси бўлиб қолаверади.

Жумҳуриятимиз ҳамиша ўзининг қишлоқ хўжалик соҳасида етиштириладиган хомашёси билан донг таратиб келган. Шу нуқтаи назардан, қайта ишлаш соҳаларида ихчамгина ва тижорат талабига жавоб берадиган корхоналарни қуриш ва уларни замонавий технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатга бардошли халқ истеъмол маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Энди биз хомашё ёки арзон-гаров ярим тайёр маҳсулотлар эмас, аксинча, замонавий, ўта харидоргир тайёр моллар сотишни ўрганишимиз зарур.

Ҳудудий тизимни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг салоҳияти ва меҳнат имкониятларидан етарли даражада ва самарали фойдаланилаётгани йўқ.

Юртимизда ҳалигача ишлаб чиқариш базаси ривожланмаган. Инфраструктураси қолоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар кўплаб топилади.

Афсуски, айрим жойларда одамлар сифатли ичимлик сув, табиий газ ва маиший хизмат турларидан баҳраманд бўла олмаяпти. Ғалдаги вазифа қишлоқ аҳолисига ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Бунинг учун ҳудудларни комплекс ҳолда ривожлантириш, қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириш — бугунги долзарб вазифамиздир.

Илгари бир неча бор таъкидлаган гапни яна бир марта қайтариб ўтмоқчиман: ўзининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир давлат, аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмак бериши зарур. Унга ҳар томонлама: иқтисодий, моддий ва илмий-техник жиҳатдан ёрдам қилмоғи шарт. Қишлоқ иқтисодимиз ва халқимиз фаровонлиги пойдеворидир.

Биз шу пайтгача қишлоқ хўжалигига асосий эътибор бериб келдик ва шундай бўлиб қолажак. Бу соҳага кўп имтиёзли иқтисодий шароит яратилмоқда. Пахта ва ғалланинг харид нархлари бир неча марта оширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли барчаси эркин нархларда сотилмоқда. Давлат буюртмасини пешма-пеш камайтириб, хўжаликларнинг ўзига кўпроқ иқтисодий эркинлик беряпмиз. Давлат хўжаликлари жамоа ва ижара хўжаликларига айлантирилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликлари сони, улар ихтиёридаги ер майдонлари ва томорқалар кўпаймоқда.

Шу билан бирга, қишлоқдаги ислоҳотлар тоқат қилиб бўлмайдиган даражада суст кечаётганини ҳам тан олиш керак.

Билмадим, сиз ҳурматли депутатлар буни қандай баҳолайсиз, лекин, менимча, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларни охиригача етказиш йўлида тўсиқ-ғов бўлиб турган **расмиятчилик, лоқайдлик, ўтакетган бепарволик, боқимандалик ва порахўрлик** каби иллатларга қарши жиддий кураш бошлаш вақти келди, деб ўйлайман.

Токайгача ислоҳот йўлида қонун-қарорлар қабул қилиб, уларни амалга оширишга турли поғоналарда тўсиқ бўлиб турган масъулиятсиз, ўз манфаатларидан ўзга ҳеч нарсани билмайдиган одамларга чидаб юрамиз?

Токайгача тили бошқа-ю, дили бошқа бўлган одамларни сафимизда сақлаймиз?

Бугунги вазиятга бир назар ташласак, юқорида — Республика даражасида қабул қилинган фармон ва қарорлар жойларга етиб боргунча, айрим мунофиқ амалдорлар уларни амалга ошириш у ёқда турсин, мазмунини ҳам ўзгартириб юборади. Айтинглар, токайгача бу аҳволга тоқат қилиб турамиз?

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон учун, халқимиз учун, иқтисодий мустақиллигимизга эришиш учун ғаллага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондиришнинг аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, халқимизни боқиш учун 3 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла керак. Шунча ғалла тайёрлаш учун Ўзбекистонда тўла шарт-шароит ва имконият бор. Шу йилнинг ўзида ғаллакорлик учун 650 минг гектар суғориладиган ва 550 минг гектар лалми ер ажратилган эди.

1995 йилда эса бу мақсадларга, лалми ердан ташқари, суғориладиган ернинг ўзидан 1 миллион гектарга яқини ажратилиши белгиланди. Ўзингиз бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг, қадрли дўстлар, агар шунча суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ғалла олсак — марра бизники.

Лалми ерлардан эса ўртача 10 центнердан ҳосил олинса, бу — яна қўшимча 500 минг тоннадан ортиқ ғалла демакдир.

Яна такрорлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз, Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча.

Лекин, бугунги кунда аҳвол жуда ачинарли. Ўзларинг айтинглар: нега Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида айрим бригада ва хўжаликлар 60-65 центнердан хирмон кўтаради-ю, Тошкент вилоятида ва бошқа қолоқ туманларда бу кўрсаткич ўртача 22 центнердан ҳам ошмайди?

Қорақалпоғистонда сувли ердан олинган ўртача ҳосил 8 центнер бўлса, буни биз қандай баҳолашимиз керак?

Бунинг сабабини, биринчи навбатда, раҳбарларнинг масъулияти ва ерга муносабати сустлигида кўриш керак. Қолаверса, узоқ йиллар мобайнида биз "пахта, пахта" деявериб, ғалла етиштириш технологиясини, сир-асрорини унутиб қўйдик.

Нафақат СССР, б лки бутун дунёдаги социалистик давлатларнинг пахта мустақиллигини таъминлаган мамлакатимиз, нима учун нон ва ғалла масаласида ўзининг мустақиллигига эриша олмайди?!

Мустақиллик, истиқлол ҳақида баландпарвоз гаплар билан юрган айрим ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларига шу саволни беришимиз керак:

Барака топқурлар, халқимизнинг асосий озиқаси бўлмиш нон билан таъминлашда белни қаттиқ боғлаб, ўзларингни кўрсатинглар. Ҳақиқатда ҳам Ватан ва юрт мустақиллиги ва истиқболига садоқатли эканингизни сўзда эмас, амалда исбот қилинглар!

Ҳамма, айниқса ҳокимлар билиб қўйсин: бу масала бўйича сўроқ жуда қаттиқ бўлади! Бундан буён ҳар бир раҳбарнинг фаолияти Ватаннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга нечоғли ҳисса қўшгани билан ўлчанади.

Шу маънода ўзимизни картошка билан таъминлаш масаласини олиб кўрсак, ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган аҳволга дуч келамиз. Ўтган йили Голландиядан келтирилган 12 минг тонна уруғлик картошканинг 3 минг тоннаси чириб кетган. Сабаби — ишга масъулиятсизлик, халқ мулкига хиёнат. Аввало, технология талабига кўра июнь-июль ойларида экилиши лозим бўлган картошка, бир ой кеч — августга ерга тушган. Қолаверса, ихтисослашган сабзавотчилик институтимиз бўлатуриб, уруғликнинг бизнинг шароитимизга мос келадиганини танлаб олиш учун ҳеч ким сафарбар қилинмаган. Бу ҳол бу йил ҳам такрорланганига нима дейиш мумкин? Бу иқтисодий қўпорувчиликка ким жавоб беради? Ким айбдорларни жазолайди? Бундай ҳолатларни кўриб одам ёниб кетади!

Муҳтарам дўстлар!

Халқимиз бекорга "Ерни боқсанг, ер сени боқади", деб гапирмайди. Афсуски, ерга муносабатимизни ижобий баҳолаш қийин. Бошқа давлатлар билан солиштирганда, бизда ер унумдорлиги, ҳосилдорлиги бир неча марта кам эканини ҳаммамиз яхши биламиз-у, лекин нега тегишли чора кўрмаймиз?

Яна бир мисол: бугунги кунда одамларнинг эҳтиёжини қондириш учун ажратилган сувли томорқа ерлари майдони тахминан 700-750 минг гектарни ташкил этади. Томорқага ишлов бериб, катта даромад топиб, рўзғорини обод қилаётган миришкор деҳқонларимиз жуда кўп.

Шу билан бирга, айрим жойларда ҳар қаричи олтинга тенг бебаҳо томорқа ерларини ажриқ босиб ётганини кўрган одам: "Ажабо, ер эгаси ҳам шунчалик ношукур бўладими?!", деб ҳайратдан ёқасини ушлайди.

Қиссадан ҳисса шуки, томорқани ерни севган, ерга меҳри баланд, ерни улуғлайдиган деҳқонларга беришимиз керак. Ерни тепган, ерни хор қилиб қўйган одамларни томорқадан маҳрум қилиш зарур.

Агар замонавий юксак деҳқончилик маданияти нуқтаи назаридан қарасак, Ўзбекистон шароитида 4 миллион 200 минг гектар сувли ер бўлса, ана шу майдонда аҳолининг бор-йўғи 7-10 фойизи ишлаб, иқтисодимизнинг, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳолининг қолган қисмини бошқа етарли даромад берувчи тармоқлар, саноат, қурилиш, савдо ва халқимизга хизмат қилувчи бошқа соҳаларга жалб этиш масаласини ҳал қилишимиз даркор.

Мисол учун, Жанубий Корея Республикасида 2 миллион гектар суғориладиган ердан, яъни Ўзбекистонга нисбатан икки марта оз ердан олинадиган маҳсулот, 42 миллионлик халқини таъминлаб, яна экспортга ҳам жўнатилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бор-йўғи 5-7 фоиз ишловчи аҳоли банд, хулосани ўзингиз чиқараверинг.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Шу йилнинг 1 июл дан жумҳурият ҳаётида, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш соҳасида янги босқич бошланди. Янги миллий пул бирлиги — сўмни муомалага киритдик. Биз бу муҳим ишга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрдик. Миллий валюта — бу миллий ғурур, давлат мустақиллиги рамзи ҳамда эгамен давлат белгисидир. У юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга бўлмоғи керак.

Бунга эса рақобатга бардошли маҳсулотларнинг, шунингдек, заҳираларнинг етарлилиги билан эришилади. Асосий вазифа миллий пул бирлигимизни мустаҳкамлаш ва уни дунёда ҳамма бирдай қадрлайдиган валютага айлантиришдан иборатдир.

Жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг, корхонанинг фаровонлиги муомаладаги миллий валютанинг барқарорлигига боғлиқ эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ўз валютамизнинг барқарорлиги ва эркин муомаласини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва ҳукумат қабул қилган тўртта дастурни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, сўмнинг харид қувватини ошириш учун тез орада бозорларни ҳаридоргир маҳсулотлар билан тўлдириш зарур. Асосий вазифа халқнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириши керак бўлган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Бунинг учун биз халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам бериб борамиз, инвестицияларни биринчи навбатда ўша тарафга йўналтирамиз, уларни хомашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз. Ушбу йўналиш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бор. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу — енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатлар хизматидир.

Аҳолига сотилаётган истеъмол товарларининг умумий ҳажмида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, барчамизни қувонтиради, лекин хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Биз ҳали кўплаб зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур бўляпмиз. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш лозим.

Иккинчидан. Биз такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ислоҳотнинг асосий йўналишларидан бири — экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам мавқеимизни эгаллашдир. Бундан кейин ҳам экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш йўлини белгилаб олган корхоналарга хомашё билан таъминлашда ҳам, инвестиция олишда ҳам имтиёзлар бериб борамиз. Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла юз тутсин.

Улар ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиб, қатъий валюта ишлаб топишни ўрганишлари ва республика хазинасини тўлдиришлари шарт. Бу уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоалари олдидаги, бутун халқ олдидаги вазифаси, муқаддас бурчидир.

Учинчидан. Молия-кредит сиёсатини изчил ўтказиш шарт. Биз ўз молиявий қувватларимиздан тежаб-тергаб, ҳисобдонлик билан фойдаланишни ўрганайлик, унинг сочилиб кетишига йўл қўймайлик. Халқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм катта фойда билан қайтиши ва республиканинг эртанги куни учун, келажаги учун ишлаши шарт.

Корхоналар, ишбилармонлар давлатдан олган маблағлари, кредитларини фойдали ва аниқ мақсадлар учун йўналтириш масъулиятини таъминлаш ёзилмаган қонунга айланиши шарт. Айни пайтда кредитларни ўз вақтида қайтаришга ҳам ўрганиш керак. Ва ўз навбатида кредит бериш шартлари шундай бўлсинки, корхона қарз олиш масъулиятини доим ҳис этиб турсин. Ундан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун самарали равишда фойдаланишга ҳаракат қилсин.

Тўртинчидан. Энг муҳим масала — ички бозоримиздаги истеъмол моллари ва муомаладаги нақд пул ҳажмининг мутаносиблигини таъминлаш — пул қадрини сақлаш ва кучайтиришнинг асосий гарови ва шартидир. Фақатгина шу йўл билан инфляцияга қарши курашиш ва унинг даражасини кескин пасайтириш имконига эга бўлишимиз мумкин. Фақат шунинг ҳисобидан миллий валютамиз саломатлигини сақлаймиз.

"Сўм" имиз қандай куч билан ишлай бошлаганини биз ҳаммамиз ҳис этиб улгурдик. Деҳқон бозорида нарх-наво кескин тушди, пулнинг қадрсизланиши кескин даражада пасайди. Ва бу ижобий жараённи мустаҳкамлаш керак.

Зикр этилган фикрларнинг асосий маъноси шуки, муомаладаги пул ҳажмини кўпайтирмаслик, яъни пул эмиссиясининг ошишига, пулнинг аҳоли қўлида ушланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Ҳаётдаги оддий бир қоидага эътибор берайлик: аҳолининг қўлидаги нақд пулнинг ҳажми кўпайиши билан одамларнинг ҳаёт даражаси ўсмайди.

Дастпоҳ — ўз қўлимизда деб, миллий пулимизни кўпроқ босиб чиқариш, шунинг ҳисобидан, аҳоли қўлига кўпроқ қуруқ пул етказиб бериш бугунги кунда қийин вазифа эмас.

Ҳаёт даражаси ўсишига эришмоқ учун, албатта, меҳнатчилар оладиган маош, нафақахўрларга бериладиган нафақа, студент ва ўқувчиларнинг стипендияси, умуман одамларнинг даромадлари ўсиши керак. Лекин пул ҳажми ўсишига нисбатан, ундан ҳам олдин ички бозоримиздаги моллар ва пулли хизматлар ҳажмини тез суръатлар билан оширишни таъминлашимиз лозим.

Содда қилиб айтганда: ҳар қайси кишининг киссасида бўлган пулига бозоримизда етарли даражада керакли мол ва эҳтиёжимизни қоплайдиган хизмат турлари бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Ислоҳотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири — аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни, қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Бундай керакли ва савобли мақсадларни амалга оширишда биз аҳолининг ўз-ўзини бошқариш тизимига, бугунги ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллаларга суяниб ишлашга қарор қилдик.

Ҳар бир банкнинг маҳаллий бўлимларида махсус ҳисоб варақалари орқали, маҳаллалар қарорларига биноан, кам даромадли ва муҳтож оилаларга ёрдам бериш ҳақида фармон чиқардик.

Ишонамизки, бундай олижаноб ишларни ҳаётга тадбиқ этишда, адолат сақлашда маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ва ишончли фаоллари ўз куч-ғайратини кўрсатади ва халқимиз назарида обрўсини янада оширади.

Ижтимоий ёрдам беришнинг ҳам яхлит, пухта бир тизими ишлаб чиқилиши даркор. Бунда давлат ва жамоатчилик идоралари, айниқса касаба уюшмалари, турли хайрия жамғармалари биргаликда ҳаракат қилмоғи жоиз.

Азиз дўстлар!

Биз қураётган жамият адолат ўрнатишни, ҳеч кимни оғир аҳволда ва муҳтожликда қолдирмасликни ўзининг энг катта мақсади, деб билади. Унинг оёққа туриши учун зарур ёрдам беради. Шундай экан, илгари айтган бир гапимни яна такрорлайман: **Инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун хизмат қилиши керак.**

Айни вақтда ҳар қайси инсон, авваламбор, фарзандларимиз республикамизнинг тараққиёт сари қўйган ҳар бир қадамини ўз орзуниятлари ушалиши учун туғилган яна бир имконият деб англаши лозим. Бунинг учун биз болаларимизни собиқдадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор беришимиз керак.

Бундай тарбия асосида авлодлар ворислиги ётмоғи керак. Бизнинг онгу шууримизга катталарга ҳурмат, ишда, одамлар билан муомала-муносабатда ота-онамиздан ўрнак олиш, ота-боболаримиз бошлаган ишни давом эттиришдек олижаноб туйғулар сингдирилган. Халқимизнинг бу анъанасини ҳар томонлама ўстиришимиз ва мустаҳкамлашимиз зарур.

Бу муҳим вазифани бажариш учун ўқув ва тарбиядаги услубларни муттасил такомиллаштирмоқ керак.

Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла-мактаб-оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳ

КАМОЛОТ ЧАРОҒБОНЛАРИ

Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари

Ҳар қандай комил инсон умр бўйи икки муқаддас сиймони — ўзини дунёга келтирган, оқ сут бериб-оқ ювиб ўстирган онани ҳамда унга ўзлик оламини кашф этишни ўргатган ўқитувчини асло унутолмайди. Чунки бу сиймоларнинг бири — ҳаёт гулшанининг боғбони бўлса, иккинчиси маънавият оламининг зиёбонидир. Шу боис инсоният тарихининг қайси замони, қайси даврида бўлмасин, элу юрт ўқитувчини она каби эъзозлаган, қадрлаган, ҳурматини улуғ тутган. Чунки устоз-мураббийларнинг машаққатли меҳнати самараси ўлароқ эл фарзандлари дониш инсонлар бўлиб камол топган, юртни обод, элни фаровон этиб, Ватан шуҳратини оламга ёйган. Халқимизда қадим-қадимдан қолган "Дониши кўп элнинг давлати бу-юк" деган ҳикмат бор. Бу асрий солномаларда акс этган ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатни билмоқ учун Ўзбекистон аталмиш Марказий Осиёда олис мозийда вужудга келган Афросиёб, қорахонийлар, сомонийлар, хоразмийлар, темурийлар... асос солган қудратли давлатлар салоҳиятига бир назар солишнинг ўзи кифоя. Кўз ўнгимизда улуғ ватанимиз фан ва маданият равнақининг ўчоғи бўлганлиги, буюк ватандош аждодларимиз Беруний, Форобий, ибн Сино, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Бухорий, Замахшарий, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби алломаларнинг жаҳон маданияти хазинасига мислсиз ҳисса қўшганлиги намоён бўлади. Тарихда бундай қанчадан-қанча аҳли донишлар камол топишига йўл очган асосий шахс эса бу — мударрис ўқитувчидир. Шу боис ўзбек халқи ҳикматларида "Устоз — отангдан улуғ", деб таъкидланади.

Зотан, инсон боласи ҳар бир қадамда биринчи мураббийси — меҳри қуёш муаллимини эслайди, турмуш муаммоларини ҳал этишда унинг сабоқларига таянади. Чунки ҳар бир ўғил-қиз тасаввурида муаллим донишманд улуғ зот, поклик ва адолат тимсоли. Демак, у оддий савод ўргатувчигина эмас, балки одам боласи руҳиятини келажакка тайёрловчи муҳандисдир. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатни тараққий эттириш ва буюк давлатга айлантириш режаларига асос соларкан, биринчи қадамларданоқ муаллим обрў-эътиборини оширишга, бозор иқтисодига ўтиш шароитида уни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор қаратди. Халқ таълимини равнақ топтириш эса мамлакатда ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда узлуксиз устивор йўналиш деб белгиланди. Бу борада ўтган уч йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари, Республика Олий Кенгашининг "Таълим тўғрисида"ги, "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунлари қабул қилинди. Бу тарихий ва умумхалқ аҳамиятига молик ҳужжатларнинг бош мақсади Ватаним деб, элим деб, бугунги озод Ўзбекистон деб ёниб яшайдиган ва меҳнат қиладиган ёшларни тарбиялаб, ўқитиб, камол топтиришдир.

Бугунги кунда республикамиз ҳаётининг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар рўй бераётганидек, халқ таълими соҳасида ҳам ислоҳот дебочалари яққол кўзга ташланмоқда. Булар — янги йўналишдаги мактаблар: лицейлар, коллежлар, катталар таълим марказлари, ихтисослашган мактаблар ва синфлар, булар — таълим мазмунидаги ўзгаришлар: Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий этилган 12 турдаги ўқув режалари, 1-6-синфлар учун таянч ўқув режаси; муаллифлар жамоалари томонидан яратилган 12 та янги ўқув дастури, 65 та янги дарслик; лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бошланғич синфлар учун 18 номда тайёрланган дарсликнинг нашрга топширилиши; булар — таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш борасидаги янгиликлар: ўқувчиларнинг хоҳишларига кўра таълим жараёнига янги ўқув курслари, ихтисос сабоқлари, факультатив машғулотларнинг киритилиши; булар — тест синовларининг тажриба майдонларидан ўқув жараёнига оммавий жорий этилишининг бошланиши; булар — ишлаб чиқилган ва тайёрланаётган янги концепциялар, низомлар, бошқарув ҳужжатлари...

Умуман, янгиланишлар кўп ва мактаб ислоҳоти босқичма-босқич давом этмоқда. Ислоҳотнинг бош ижрочиси эса бугунги кунда қарийб 9 мингга яқин мактабда 5 миллион ўқувчига таълим-тарбия бераётган муаллимлардир. Шунинг учун ҳам вазирлигимиз халқ таълими ходимларининг педагогик салоҳиятини ўстиришга, улар бевосита шуғулланадиган мактаб, боғча, тарбия ва илмий муассасалар, ўқув масканлари ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга, таълимни техника воситалари билан таъминлашга, кадрларнинг малака ва маҳоратларини ўстириш тадбирларини ўтказишга, шунингдек, уларнинг бозор иқтисоди шароитида иқтисодий муҳофаза қилиш юзасидан Республика раҳбарияти қабул қилган қарорларини изчил рўёбга чиқаришга эътиборни қаратиб келмоқда.

Мактаб ислоҳотининг муваффақияти, шубҳасиз, ўқитувчининг таълимга янгича ёндашувига, янгича фикрлашига, ижодий изланишига, ўқитишнинг самарали усулларини кашф этиши ва моҳирона қўллай олишига боғлиқ. Шу боис вазирлигимиз ижодкор ўқитувчилар сафини кенгайтириш ва уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган тадбирларни изчил ташкил этиб ўтказаётир. Бу жиҳатдан анъанавий бўлиб қолган "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси", "Йил мактаби" кўрик-танловлари, муаллимлар томонидан тайёрланган янги ўқув-кўргазма қуролларининг кўргазмалари, ижодкор ўқитувчилар анжуманлари, педагогик ўқишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз бугун кўрик-танлов ғолиблари — самарқандлик Акромжон Суюнов, жиззахлик Ҳанифа Раҳматуллаева ва Сарвар Муродов, шаҳрисабзлик Яшнарбек Авлоқулов, андижонлик Мадамин Саидов, тошкентлик Ақида Тўлаганова каби машъал ўқитувчи ва тарбиячиларимизнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Бундай янгиликка интилувчи, таълим-тарбия жараёнига янги усулларни дадил жорий этаётган ўқитувчи ва тарбиячилар ҳар бир туманда, ҳар бир вилоятда ўнлаб-юзлаб топилади. Уларни аниқлаш, педагогик мактабларини ташкил этиш, энг яхшиларини муносиб тақдирлаб бориш таълим бошқарув идораларининг муҳим ишларидан бўлиб қолмоқда.

Халқ таълимидаги ислоҳот туфайли педагог кадрлар сифатига талаб ҳам ошиб боряпти. Ана шуни назарда тутиб, республикамиз таълим муассасаларига муаллимларни ишга қабул қилишда битим тизимига ўтилди. Шунингдек, педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг янги Низоми тасдиқланди. Ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари қайта кўриб чиқилмоқда. Жойларда муаллим фаолиятини баҳолашнинг рейтинг усуллари синовдан ўтказилиб, оммалашиб бораётир. Булардан мақсад ўқитувчи маҳорати имкониятларини аниқ белгилаш ва бу имкониятларни ҳар жиҳатдан ўсишига шарт-шароит яратишдир.

Ўтказилган аттестация якунларига назар ташлайдиган бўлсак, республика умумтаълим мактаблари муаллимларининг 1 фоизигина олий тоифали, 19 фоизигина биринчи тоифали эканлиги маълум бўлади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, педагог кадрлар сифати республикамизда таълимнинг жаҳон мезонлари даражасига ўсиши талабларига ҳали жавоб беролмайди. Бу борада биз кўп муаммоларни ҳал этишимиз, педагог кадрларимизни илмий, маърифий ва маданий савиясини янада кескин ўстиришимиз зарур.

Маълумки, республикамизда бозор иқтисодига ўтилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақалари, шу жумладан халқ таълими ходимлари ижтимоий ҳаётида маълум қийинчиликлар юз бериши табиий эди. Буни олдиндан кўра билган давлатимиз раҳбарияти зарур ғамхўрлик чора-тадбирларини белгилаб, босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Президентининг мактаб ўқитувчилари, ҳунар-техника билим юртлари, болалар боғчалари ва уйлари, мактабдан ташқари муассасалар ходимларига имтиёзлар бериш тўғрисида қабул қилган фармонлари ана шу ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Бу фармонларнинг амалга оширилиши туфайли қарийб 35 минг нафар халқ таълими ходими шахсий уй қуриш учун ер участкаси олди, 120 мингга яқин муаллим ва тарбиячига ўзлари яшаётган давлат ва ташкилотларга қарашли уйлар хусусийлаштириб берилди. Шунингдек улар шаҳарларда турар-жой ва маиший хизмат учун тўловлардан 50 фоиз чегирмадан, қишлоқ жойларда эса бу тўловлардан тўлиқ озод этилиш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишяпти.

Ўзбекистон ҳукумати, жойлардаги ҳокимиятлар, касаба уюшмалари ёш авлод камолоти муҳандисларининг турмуш шароитларини яхшилаш, моддий рағбатлантириш, саломатликларини мустаҳкамлаш ва дам олишларига ғамхўрлик қилиш тадбирларини мунтазам амалга ошириб келаётирлар. Буларнинг ҳаммаси айни пайтда халқ таълими ходимларининг жамиятдаги тутган ўрнига берилган баҳо, улар меҳнатининг юксак қадрланишидир. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир тарбиячи, ҳар бир халқ таълими ходими "Мустақил Ўзбекистон давлати мен ҳақимда шундай ғамхўрликлар қилаётган экан, мен мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпман" — деган саволга ўз фаолияти билан амалий жавоб бериши керак. Бунинг учун, аввало, ўқитувчининг ўзи Ватан мустақиллиги моҳиятини чуқур англаб етмоғи, маънавиятда мустақилликнинг садоқатли жангчисига айланмоғи зарур. У ўқувчилари онгида Ватан тушунчасини шакллантирадиган, уларга ватанпарварлик ва инсонпарварлик моҳиятини англатадиган мураббий шахсдир. Айни пайтда ўқитувчи одобахлоқи, маданияти, ростгўйлик ва ширинсуханлиги, барча яхши инсоний фазилатлари билан ўз ўқувчиларига ўрнак бўла олиши керак. Шундагина у ёш қалбларга йўл топа олади, шундагина муаллим ва ўқувчи ўртасида дўстона вазият вужудга келади. Бундай муносабат эса таълимда муваффақиятнинг калитидир.

Бироқ шуни тан олиш керакки, ҳали ўқитувчиларимиз ўртасида назарий ва педагогик тайёргарлиги суст, шунингдек ички иликбозлик ва бошқа ноахлоқий фазилатлари билан обрў-эътиборини кеткизиб қўйган, ҳатто ўз хатти-ҳаракати билан қонунбузар бўлиб қолган кимсалар ҳам бор. Улар бармоқ билан санарли бўлсалар-да, педагогик жамоалар шаънига доғ тушираётган шахслардир. Устоз-мураббийдек юксак номга нолойиқ бундай кишиларга таълим муассасаларида ўрин бўлмаслиги керак.

Бугунги ўқитувчи ва тарбиячига талаблар мезони бошқачадир. У шунчаки саводли, билимли инсонни эмас, балки истеъдод ва қобилияти билан ажралиб турувчи, ишбилармон ва ташкилотчи, ўз билим ва малакаларини ҳаётнинг мураккаб шароитларида моҳирона қўллай олувчи, ўз соҳасида мустақил вазифалар қўя оладиган ва уларни ҳал эта оладиган, юксак маданиятли ва ахлоқли комил инсонларни ўқитиб, тарбиялай олиши лозим. Шундай устозларгина жамият ҳурматига, шогирдлари эъзозига сазовор бўладилар, албатта.

Ўқитувчи учун вақт синов, ҳар бир дарс тажриба, эришилган натижа сабоқ, таълим-тарбияда қўйилган тамал тош эса келажакдир. У яхши билади: умр ўткинчи, вақт — тарих эса қайтарилмайди. Лекин халқ келажагини ўйлаб қилинган ҳар бир яхши иш тарих саҳифаларида абад ул-абад муҳрланиб қолади. Биз бугун ана шундай даврда яшаяпмиз. Бу давр истиқлолимиз дадил оёққа турадиган давр. Бу давр — Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидойилик кўрсатиб ишлайдиган замон!

Ишончимиз комилки, мустақиллик барқарор этган байрам Халқ таълими ходимлари кунини нишонлаётган республикамиздаги ярим миллионли устоз-мураббийлар ёш авлодга билим бериш, камол топтириш йўлида ҳақиқий фидойиликларини намоён этаверадилар.

Сулола

БИР ТУШГАН ИШҚ

Биз маърифатга, билимга ташна халқмиз. Симирган сари ҳам тўймаймиз. Шунинг учун жадидларни, маърифатчиларни, совет замонасида ҳам ҳалол билим берган устозларимизни унутолмаймиз. Уларнинг ёдини ҳамиша баланд тутамиз.

Менинг биринчи ўқитувчим яқингача ҳам ҳаёт эдилар. Соҳиба опа деб атар эдик. Ёш авлодга қирқ йил билиму таълим бериб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи деган унвонга мушарраф бўлган, эл-юртда кўп баобрў онахон эдилар. Ҳатто хорижга чиқариладиган "Совет ланд" журналининг муқовасида берилган нуроний сувратлари дунё айланиб кўп машҳур бўлганлари ҳали ҳам ёдимда.

Лекин ўзлари жудаям камтар, камсуқум эдилар. Учрашувларга боравермас, ўзлари ҳақларида ҳам жуда кам гапирар эдилар. Юзларидан нур ёғилиб, бир ёқимли жилмайиб туришлари ҳали-ҳали кўз олдимда турибди.

Шу кишининг ўғиллари Ўғиз ака ҳам умр бўйи муаллимлик қилиб ўтди. Шуларга тегишли яна бир одамни ҳеч унута олмайман.

Биз Чўпонотада турганимизда гузарга чиқаверишда ёғоч мезана бўлгувчи эди. Ҳар гал мактабдан қайтганимизда биз, болалар ўша мезананинг устига чиқиб, атрофни бир томоша қилишни кўп ёқтирар эдик. Унга ҳар ким ҳам чиқа олмас, у ҳам худди билим чўққисига ўхшар, лекин юрак ютиб чиққан одам ён-атрофни, Чўпон отаю Қаҳни, Хирмонтепа мавзеларини кафтда кўргандек кўриб бир олам завқ олиб яйрар эди. Ана шу мезана атрофида уймалашиб юрганимизда бир одам сут бонкаларини обкашига илиб, елкасига ташлаганча хорғин уйига қайтар, биз болалар у индамас кишидан ҳайиқибгина бир четга ўтиб, салом бериб қолар эдик. У бош силкиб, ичида алик олиб ўтиб кетар ва нарироқдаги хонадоннинг бир ҳужрасига кириб кетар эди. Шунда болалар пичирлашиб қолишар — шу одам ҳам зўр муаллим бўлган экан, дейишарди. У нега мактабни, ўзи севган касбини ташлаган, бир оми одамдек сутчилик қилиб кун кўриб юрибди — ҳеч ақлимиз етмасди. Кейин-кейин билсак, нохақлик, ҳаром-харишларга карши кесма-кесарлик билан шунақа хокисор яшар, сутчилик қилар экан. Ҳатто ўзи ўқитиб, ўзи муаллимлик кўчасига олиб кирган азиз кишисидан ҳам воз кечиб, умрбод ёғиз сутчилик билан кун кўришни танлаган қалби нихоятда тоза буюк инсон экан. Эскию янги илмда етишган бўла туриб, совет замонасида нохақликка карши хокисор яшашни танлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслигини энди англаб етиб турибмиз.

Ўша одам Ўғиз аканинг отаси, биринчи муаллимамизнинг устози ва умр йўлдошлари Илҳом домла Муслимов эдилар. Улар ана шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтиб, учалалари ҳам дунёдан ўтиб кетишди, бизларга берган билимлари ҳаққи Оллоҳ ҳаммаларини ўз раҳматига олган бўлсин.

Катта Қаҳни даҳасида худди шундай табаррук зотлардан яна биттаси Рустамхўжа ака Бобоев эди. У киши ҳам қирқ йиллик умрларини мактаб ишига бахшида қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи эдилар. Соҳиба опа каби ҳамон номлари эъзозлаб ёдга олинади. Ўзларию шогирдлари — Саъдуллахўжа Иноғомов номларида мактаблар бор.

Бундан ҳам муҳими, уларнинг ишини ўғил-қизлари, неваралари келинлари давом эттириб, даҳамиздаги мактабларда, Тошкентнинг олийгоҳларида ёш авлодга билим беришмоқда. Ҳозир Бобоевлар сулоласидан бир ўғил, бир қиз, икки қуёв, икки невара келин ўқитувчиликдай табаррук касбни эъзозлаб, унинг ҳамма машаққатларини елкада кўтариб келишмоқда. Мавлудахон 203-мактабда чет тилидан дарс берса, Озодахон 129-мактабда физикадан билим бераётир. Шаҳноза 200-мактабда бошланғич синфларга муаллимлик қилса, Борихон Тошкент халқ хўжалик илмгоҳи доценти, кафедра мудири.

Бобоевлар сулоласини халқ хўжалиги олийгоҳию доришунослик институтларида ҳам учратасиз. Хуллас, оталари ёққан билим машъали сўнган эмас. Сулола халқимизни маърифатли этиш йўлида толмай хизмат қилмоқда ва элда ҳақли равишда обрў топмоқда.

Юқорида мен биз билимга, маърифатга ташна халқмиз деб таъкидладим. Бу ташналикни қондиришда ҳалол хизмат этаётган, оғирчиликларни енгиб бир тушган ишқи — ўқитувчилик касбига содиқ қолган кишиларга, Соҳиба опа Муслимовалар, Рустамхўжа Бобоевлар оилаларига қанча таъзим этсак, шунча кам.

Сиз ёққан билим машъали асло сўнмагай, устозлар.

Мурод МАНСУР.

Гўзал пойтахтимизнинг марказий қисмида жойлашган, нафосат билан қурилган бинода фаолият кўрсатаётган Республика Ўқитувчилар уйи муаллимлар, педагоглар, ёзувчилар, олимлар, журналистлар ва санъат ходимларининг маърифат масканига айланиб бормоқда. Ўқитувчилар уйи ходимлари ўз зиммаларидаги олижаноб вазифани, яъни муаллимларга илмий, назарий ва услубий мадад бериш баробарида биз фахрий ўқитувчилар холидан хабар олиш, уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишдек, савобли ишларни ҳам амалга оширмоқда.

— Биз қандай ютуқларга эришган бўлсак, улар заминида азиз ўқитувчиларимизнинг берган таълим ва тарбияси ётади. Ҳар бир ўқитувчи бизнинг қалбимизда машъал каби абадий яшайди. Мен Республика Ўқитувчилар уйи муаллимларнинг шоири ва ёзувчилар билан ижодий учрашувларини ўтказишдек хайрли ташаббусини қўллаб-қувватлайман, — деган эди Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов.

ЭЪЗОЗ

Ўқитувчилар уйида машҳур ёзувчи ва шоирлар билан муаллимларнинг учрашувлари анъанага айланиб бормоқда. Мактаб дарсликларига номлари киритилган адиблар — Шукрулло, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев меҳмонимиз бўлдилар.

Машҳур адиблар билан дийдорлашиш, ҳамнафас бўлиш, саволларига жавоб топиш муаллимларнинг ички дунёсини кенгайтиради. Ўқитувчилар уйи ходимлари муаллимлар билан ишлашнинг бундай шаклини бундан буён ҳам давом эттираверади.

Бу ерда илғор ўқитувчиларнинг очиқ дарслари ҳам ўтказилмоқда. Пойтахтимиздаги 309-мактабнинг география ўқитувчиси З. Фатхуллинанинг "Мустақил Ўзбекистоннинг экологик муаммолари" мавзуидаги очиқ дарси жуда қизиқарли ўтди. Бунга Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган география ўқитувчилари иштирок этдилар. Ўқитувчиларнинг таклифи билан Ўзбекистон Республикаси геология-минералогия ресурслари қўмитаси раиси Тўлқин Шоёқубов "Мустақил Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ва ундан фойдаланиш муаммолари" мавзуида маъруза ўқиб берди. Географ ўқитувчилар илтимосига кўра, ҳар йили Ўқитувчилар уйида "География ўқитувчилари куни" ўтказиладиган бўлди.

Ўқитувчилар уйида ўтказилган мактабларнинг тарих муаллимлари куни академик Яҳъё Ғуломов хотирасига бағишланди. Унда халқимизнинг ардоқли фарзанди Н. А. Муҳиддинов, академиклардан Э. Юсупов, А. Асқаров, У. Исломов, А. Муҳаммадхонов, профессорлардан Х. Зияев, Н. Мукминова, Ғ. Набиев ва бошқалар қатнашдилар. Улар мактаблардан келган тарих ўқитувчиларининг кўплаб саволларига жавоб бердилар. Айниқса, тарих дарсликлари, дастурлари ва қўлланмалари ҳақида фикр алмашиб олинди.

Мактаб ўқитувчилари олимлар олдига Мустақил Ўзбекистон тарихини тезроқ яратиш масаласини қўйдилар.

Ўқитувчилар уйининг яна бир йўналиши — бу ўқитувчилар учун катта методик кутубхона яратишдир. Шу йилнинг ўзида мингга яқин методик адабиётлар олинди. Кутубхона пештахтасида янги бўлим, яъни дастхатлар бўлими ташкил этилди. Унда О. Ёқубов, Э. Воҳидов, С. Аҳмад, Иброҳим Ғафуров, Пиримқул Қодиров ва бошқаларнинг дастхатлари ёзилган китоблар хазина бўлиб турибди. Кутубхонада мактабда ўтиладиган фанларга тегишли дарслик ва қўлланмалар йиғилган. Яқинда Германия Федератив Республикасининг пойтахти Бондаги Гёте институти билан ҳамкорликда 300 китоб, 1000 кассета, альбомлар кутубхонага олинади. Бу ўқув қуроллари Германиянинг тарихи, маданияти ва фани билан қизиққан барча кишиларга берилади.

Ўқитувчилар уйи ходимлари вазиримиз Жўра Йўлдошев ташаббуси билан бунёд этилган маориф тарихи музейи билан фахрланадилар. Бу музейнинг ишга туширилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди ва қадриятимизнинг яна бир ўчоғига айланди. Қадим замондан бошлаб то мустақиллик давригача бўлган маориф тарихи акс эттирилган бу масканни кўплаб мактаб муаллимлари, талабалари ва чет эллик маориф ходимлари келиб кўрмоқдалар. Улар қолдираётган ёзма таассуротларда музей ишига катта баҳо бермоқдалар. Ҳозир музей кўргазмаларини янада яхшилаш борасида иш олиб борилмоқда.

Ўқитувчилар уйи ходимлари яна бир савобли ишга қўл урдилар. Маориф тизимидан пенсияга чиққан 50 мингдан ортиқ фахрийлар бор. Уларнинг холидан хабар олиш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Фахриялар тез-тез ўқитувчилар уйига келиб, бир пиёла чой атрофида бир-бирлари билан ҳамнафас бўлишмоқда. Уларни иссиқ овқат билан таъминлаш ҳам бизнинг бурчимизга киради. Фахрий ўқитувчиларимиз илтимосимизга мувофиқ мактаб, маҳалла, оилаларга бориб таълим ва тарбия ишларида ёрдам берадилар. Улар матбуот саҳифаларида чиқишлар қилиб, Президент Ислом Каримовнинг маориф ҳақидаги ғамхўрликларини кенг оммага тушунтириб бердилар.

Республикамиз Мустақиллигига эришганимизга мана уч йил тўлди. Шу давр ичида бизнинг ярим миллиондан ортиқ ўқитувчиларимиз Ватанимиз мустақиллиги ва қудратини авж олдириш учун бутун ақли, билими, қалб қўри, қобилиятини келажак авлодимизнинг ажойиб инсон, меҳрибон фарзанд, фаол хизматчи бўлиб етишиб чиқишига ва маънавий камолотга етиши учун сарфлашмоқда.

Қодирхўжа ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Республика Ўқитувчилар уйи директори, профессор.

Ўйинчоқлар кўрик-танлови

БОЛА КУЛСА, ДУНЁ ЯШНАЙДИ

Болаларнинг ақл-заковатини ўстириш учун ўйинчоқлар керак. Уларнинг рангин дунёсини ўйинчоқларсиз тасаввур этиш қийин. Бола борки, ўйин бор, ўйинчоқ бор. Инсон умрининг унутилмас, бетакрор эртаклари болалигида, ўйинчоқлари билан бўлган ўйинларида кечади. Бола ўйин давомида ижод қилади, истиқболи учун замин ҳозирлайди. Болаликни бахтдан жудо этиш жиноят бўлса, унга ранг ва жило бериш турфа хил ўйинчоқлар тортиқ этиб, безавол ўйинларига имкон яратиш, катта ёшдаги ҳар бир кишининг олижаноб ва муқаддас вазифасидир.

Шу ниятда республика Халқ таълими вазирлиги, республика болалар фонди, "Ўзэлектроаппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Семурғ" ҳиссадорлик жамияти ҳамкорликда республика "Севимли ўйинчоқлар кўрик-танлови ва конференцияси"ни ўтказди.

Анжуман "Ўзэлектроаппарат" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида очилди. У икки кун давом этди. Биринчи куни кенг залда ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил қилинди. Ҳайъат аъзолари тарбиячилар меҳнати маҳсули бўлган ўйинчоқларни обдон ўргандилар. Турли боғчалардан келган тарбиячилар ўзаро мулоқотда бўлдилар. Тажриба алмашдилар, дўстлашдилар.

Иккинчи куни бирлашма залида ялпи мажлис бўлди. Уни республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев очди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад, ўз миллий ўйинчоқларимизни яратиш ва бу йўлдаги муаммоларни бартараф этиш. Шунингдек, илк уринишларни, ташаббускор тарбиячиларни топиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир, — деди вазир ўз маърузасида.

Замонавий ва байналмилал ўйинчоқлар яратиш хусусида мутахассис А. Алимбоев, "Болалар руҳиятини ривожлантиришда қўғирчоқларнинг тутган ўрни" ҳақида психология фанлари номзоди С. Охунжонова маъруза қилди.

Эшитилган маърузалар юзасидан "Космонавтика" федерацияси раиси биринчи муовини И. В. Красильников, Донецк шаҳридан келган мутахассис меҳмон Н. И. Низков, "Семурғ" ҳиссадорлик жамияти бош технологи Е. И. Алексеенко, "Прогресс" илмий-ишлаб чиқариш бош конструктори Э. А. Судаковскийлар сўзга чиқдилар.

Анжуманда республикада "Қўғирчоқлар ассоциацияси"ни тузиш, конструкторлик бюросини ташкил этиш каби муҳим фикрлар ўртага ташланди.

Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов шартига кўра, ижодкор тарбиячи қизлар хизматини холисанилло баҳоладилар. Сурхондарёлик Хайринисо Насриддинова лойдан, шу вилоятлик Собира Ҳайдарова ёғочдан, андижонлик Ҳамида Содиқова юмшоқ матодан, бухоролик Салима Бобохонова қоғоздан ўйинчоқ ясаш бўйича биринчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари ва пул мукофоти билан тақдирланди. Шундан сўнг анжуман қатнашчилари "Ўзэлектроаппарат" заводига экскурсияга таклиф этилди. Улар ишчилар билан ўзаро суҳбат қилдилар. Завод ички ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Ш. ИСКАНДАР қизи.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар акс этган.

Ҳ. Солихов олган суратлар.



СИЗ ТОМОНДА ТЎРТ ФАСЛ ГУЛ...

ПАРКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ III АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Муаллимларнинг сабоқлари бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг ҳар бирини янги китобни мутолаа қилгандай кузатиш мумкин. Шундай экан, касби ижодкорлик бўлган муаллимлар адабиётимизни бойитаман деб шеър ёзса, ҳикоя, драматургияга қўл урса, қандай яхши. Ижодга берилган муаллимлар адабиёт ҳаётнинг инъикоси эканлигини, мукаммал адабиёт эса ўқувчиларга чин маънодаги одоб дарсини беришини дилдан ҳис этишади. Свердловск шаҳридаги бир мактабда тўрт нафар хизмат кўрсатган муаллим, бешта олий тоифали ўқитувчи меҳнат қилар экан-у, аммо оддий ўқитувчилар ишлайдиган мактабдаги болалардан шогирдларининг билими паст экан. Сабабини суриштиришса, ўша мактабдаги адабиёт ўқитувчисининг ижоддан батамом йироқлиги аён бўлибди... Хатирчи туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси Зиёвуддин Қўзиев бу гапни Паркентда ўтказилган ижодкор ўқитувчиларнинг III анжуманида бежиз таъкидламади.

Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев "Қалбимизга нур ва зиё берувчи, фарзандларимизни ўзимиз каби меҳрибонлик билан тарбия қилувчи ўқитувчи айни пайтда шоир ва ёзувчи бўлса, нур устига нур",— деб вилоятларимиздан келган 50 дан ортиқ ижодкор ўқитувчиларни қувонч билан кутиб олди. Айни пайтда Асом Зиёматов, Мавлуда Қурбонова, Аҳмад Тошбоев, Икром Ортиқов, Нигора Жалолиддин қизи ва Нуриддин Жуманов каби туман ўқитувчиларининг ҳам анжуманда иштирок этаётганлигидан фахрланди.

Санъати, адабиёти мукаммал халқни дунё танийди, ардоқлайди. Раҳматли Шуҳрат домла таърифлаганларидек:

Агар ҳаёт денгиз бўлса, гавҳар муаллим,
Агар ҳаёт гавҳар бўлса, заргар муаллим...

Шундай заргару, гавҳар муаллимларнинг анжумани кўтаринки рухда бошланди. Бу анжуманнинг аввалгиларидан фарқи шунда эдики, муаллимларимиз нафақат ўз қўлёзмалари билан, балки чоп қилинган китоблари билан ҳам келиб, ҳамкасбларини хурсанд қилдилар. Демак, аввалги анжуманлар уларни чин маънода ижодкор бўлиб қолганларини одамларга танитибди — китобларнинг чоп этилишига йўл очибди. Адабиётнинг бахти ижодкор ўқитувчилар билан ҳам эканлигини намойиш қила билибди. Болалар кўзидаги табассумни кузатиб юрган ўқитувчилар катта майдонга ана шу табассумни ёза олиш қобилиятини кўрсатиб чиқа бошлабдилар. Бунга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорликдаги ташаббуси асосий туртки бўлди. Улар ўз вақтида ижодкор ўқитувчи миллатимизнинг эртасига дахлдор эканлигини англаб етдилар ва ана шундай анжуманни ташкил этдилар. Мамлакатимизнинг уч йиллиги нишонланган сентябрь ойида жумҳурият ўқитувчиларининг III анжумани ўтказилиши бундан далолатдир.

— Ўқитувчи бир ойда топадиганини бир кунда топадиганлар бор, — деди таниқли шоир Тўра Мирзо. — Аммо ўқитувчи бу пулни эртанги боғ-роғларимиз учун ташланадиган уруғлар эвазига олмоқда. Уларнинг униб чиқишини кўрмоқ қанчалар бахт!

— Данакни данак деманг, унда азим дарахт яшайди, деб бежиз айтишмаган. Болалар учун ижод қилаётган ўқитувчилар изланаётган, интилаётганликларини намойиш қила билдилар, — деди болалар шоири Ҳамза Имомбердиев. — Мени уларга ҳавасим келади. Чунки улар ҳамиша болалар оламида яшайдилар.

— Бу касбни севмай бўладими? "Муаллим"... деб атаган шогирдингнинг бир оғиз сўзи учун, сенга меҳр билан боқиб турган самимий кўзи учун бутун топганингни бахшида қилсанг арзийди, — деб унинг гапини тўлдирди анжуман қатнашчиси Муборак Каримова. — Мен Москва жаҳон университетида таҳсил олдим. Турғунлик йилларида турли ташкилотларда, турли лавозимларда ишладим. Аммо ўз қадримни мактабда топдим. Болалар меҳрини қозониш, камтар ва камсуқум ҳамкасблар билан дилдан суҳбатлашиш тушкун кўнглимни тўлдирди. Бепул уй олдим, республика кўрикларида қатнашиб, юқори ўринларни эгалладим. Ота-оналар ҳурматини қозондим. Шундай экан, нега бу касб учун жонимни фидо қилмаслигим керак. Ҳамиша излангим, ҳамиша бирон-бир янгилик яратиб, мурғак шогирдларимни ҳайратга солгим келади. Бугунги кунда мактабимизда адабиёт музейи ташкил қилиш учун елиб-югуриб юрибман. Афсуски, замондош ижодкорларнинг асарларини, портретларини дўконларимиздан топа олмаймиз?..

Муборакхон ҳақ гапни айтди. Юртимиз бойлиги маънавий юксаклигимиздандир. Шундай экан, нега бирон-бир ташкилот, бой корхона ёки машҳур ишбилармон, эл ғами учун куйиб-ёниб юрган кишиларимиз ана шундай китоблар учун маблағ ажратмайдилар!? Айтайлик, "Ғунча" ёки "Гулхан" журнали обунаси учун қайғуриш, бирор мактабнинг аълочи ўқувчисини рағбатлантириш учун уларни маҳаллий нашрларга обуна қилишни ўз зиммасига олишни ўйламайдилар! Ўқитувчи учун, унинг асарларига татигулик дарсига қуллуқ қилиш учун, энг яхши шогирдларингиздан бештасини мана бу нашрларга обуна қилдик, деб айтиш, катта қувонч-ку!..

Адабиёт дастурларига эътиборни қаратиш яхши. Аммо расм дарсига ҳам чап кўз билан қарамаслик керак. Биз машҳур ёзувчи, шоирларни жуда яхши биламиз. Аммо машҳур рассомларнинг ҳаёти ва ижоди билан махсус мактаблардагина танишамиз. Нега ўрта мактаб ўқувчиси, айтайлик, санъат тарихи дарсидан сабоқ олмайди.

Паркентдаги анжуман маърифат ва маънавиятимизни такомиллаштириш учун куйинаётган зиёлиларимизнинг дилдан суҳбатлашиб олишларига имкон яратди. Тўғри, фақат бир кунгина давом этган бу анжуман ҳамма фикрларни баён қилишга, шеъру ҳикояларни биргаликда ўқишга камлик қилди. Аммо 45 минутлик дарс соати давомида болаларни бутун бир оламга саёҳат қилдира оладиган ижодкор ўқитувчилар қалб кечинмаларини баён қила билиш санъатларини ҳам намойиш қила олдилар. Зиёвуддин Қўзиев, Гавҳар Ибодуллаева ва Олимжон Ўсарнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этилганлигидан ҳамкасблар қувондилар.

Академик шоримиз Ғафур Ғулом ижодкорлик бошқалар кўрмаганни кўриш, эшитмаганни эшитиш бахти, деб айтган экан. Бу бахтга мушарраф бўлган анжуман қатнашчилари Чотқол бағрида яшнаб ётган гўзал Паркентнинг тонг насими янглиғ мусаффо ҳавосидан баҳраманд бўлиб, тоғ бағрида қад ростлаган, қуёш ҳароратини йиғиб олиб, халққа хизмат қилдиришга мосланган кошонага саёҳат қилдилар. Паркентнинг турнакўз булоқларидан симирган шоир, ижодкор ўқитувчилар анжуманининг мезбонларидан бири Маҳмуд Тоҳир:

Ой бизнинг қишлоқда ерга яқиндир,
Қуёш ҳам тоғларни ўпиб юз очар
Маҳмуд ҳам шу элда битта оқиндир,
Ундан дуо тилаб пойига чўкар, — деб бежиз ёзмаган экан.

Паркентга турли вилоятлардан келган ижодкор ўқитувчилар Паркент тоғларидан паноҳ топиб, мустақилли учун, эрк учун курашган ота-боболаримиз руҳига сиғиниб бугунги кунларга шукроналар қилдилар. Уларнинг ҳаяжонлари ҳайрат бўлиб туғилишига, кишиларимизнинг мардонавор меҳнатини, яшаш тарзи, ўй-интилишларини ўз самимияти билан баён қилишларига ишонамиз. Юрт жамоли, аждодлар хотираси, қувонч ва ташвишлар била бағри тўлиқ қайноқ ҳаёт нафаси улар ёзажак асарларда ўз аксини топади.

Анжуманда Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов, вилоят ҳокими муовини Ҳ. Ҳамидов, шунингдек, севимли ижодкорларимиз Ўткир Ҳошимов, Икром Отамуродов, Аббос Саид, Тўра Мирзо, Шойим Бўтаев, Ҳамза Имомбердиев, Сафар Барноев иштирок этишди.

Ижодкор ўқитувчиларга тилагимиз, ҳар йили бир-бирингизни соғиниб, ижодий ютуқларингиз билан ўртоқлашишга чоғланиб кўплаб анжуманларда дийдорлашиш сизларга насиб этсин. Қоғоз оппоқ. Унга оппоқ қалбни ёзиш мумкин. Сир-асрорни айтиш мумкин. Дунёга келиб топганларингиз — гўзал шогирдларингиз сафида баркамол китобларингиз ҳам бўлсин. Сафингиз кенгаяётгани, ижодий муваффақиятларингиз кўзларни қувонтираётгани қутлуғ бўлсин!

Умида АБДУАЗИМОВА.
Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

1 октябрь — халқаро қариялар куни

НУРОНИЙ

Мен Бойиржон ака Маҳкамовга дуч келганимда, ҳар гал ўзимни ҳушёр тутишга, ҳар бир гапни ўйлаб айтишга ҳаракат қиламан. Бунинг сабабини таҳлил қилиб ҳам кўрдим ва айрим хулосалар чиқардим. Негаки, у киши билан суҳбатлашиб кўрсангиз, фаришталарга одам эмасми, сири босади, юзларидан нур ёғилади, чуқур мулоҳазалар юритади. Бу ҳазрати инсон ўзи ҳақида сира гапирмайди, доим одамларнинг кундалик турмуши, ташвиши ҳақида қуйинади. Муаммоларни ҳал этиш хусусида фикр юритади.

Дарҳақиқат, Бойиржон аканинг соҳаси ҳам ана шундай тавсифга мос. У 43 йиллик иш фаолиятининг роса 30 йилини маорифга бағишлади. 15 йилдан буён эса Фарғона вилояти Бешариқ тумани халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб келаяпти. Бу даврда, албатта, туман маорифи соҳасида кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Муаллимларнинг ишлаш ва дам олиш шароити яхшиланди. Улар ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириб бориляпти.

Яқинда Бойиржон Маҳкамов ўзининг муборак 60 баҳорини қаршилади. Катта дастурхон ёзиб, хонадонига ошна-оғайнилари, касбдошлари ва қариндош-уруғларини таклиф қилди. Вилоятнинг кўпгина туманларидан келган меҳмонлар у кишининг шаънига илиқ фикрлар айтишди. Эгнига тўн кийгизиб, ҳар кимга ҳам мана шундай тўйлар қилиш насиб этсин, дея юзларига фотиҳа тортишди. Айниқса, Бешариқ тумани халқ таълими бўлими мудири Ғуломиддин Розиқов, тумандаги энг фахрли кексалардан бири — Набижон ота Маҳсумов, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Усмонжон Беғматов, вилоят мудофаа бошқармаси бошлиғи Турғунали Асқаров ва бошқалар Маҳкамов домланинг узоқ йиллар давомида амалга оширган ишларини кенг миқёсда таърифлаб беришди. Шу куни Бойиржон акага Фарғона вилояти аҳамиятидаги нафақахўр, деган гувоҳнома топширилди.

Меҳмонларнинг алоҳида таъкидлашларича, муаллимлар ҳозирга қадар туман халқ таълими бўлимининг йўлланмаси билан Рапқон, Чимён, Чортоқ, Исфара санаторияларида дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашяпти. Халқ таълими ходимлари орасида касалликка чалиниш нисбатан камайган. Кейинги пайтларда Республика Президентининг Фармонига асосан 156 нафар ўқитувчининг уй-жойи шахсий қилиб берилди.

Мана, тумандаги Рапқон қишлоғида ўқитувчилар учун 60 ўринли санатория қисқа вақтда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унга ҳурмат-эҳтиром билан "Устоз" номи берилди. Бундай дам олиш масканининг Республикамиз мустақиллигининг 3 йиллик тўйи арафасида ишга тушиши нур устига нур бўлди. Мазкур бинонинг бунёд этилиши ва жиҳозланишида Маҳкамов домланинг алоҳида хизматлари бор.

Бойиржон ака юбилей сўнгида сўзга чиқиб, ўзининг мўътабар устозлари номини бирма-бир айтиб ўтди ва таъзим бажо айлади. Мана улар — туман халқ таълими бўлимининг собиқ мудири Набижон Маҳсумов, андижонлик кекса муаллим Орифжон Сатторов (домла иш фаолиятини Балиқчи туманида бошлаган), вилоят касаба уюшмасининг собиқ раиси Содиқжон Абдуллаев.

Маҳкамов домла кексалик ёшига қадар ҳам ўз устозларининг ўгитларига содиқ қолди ва эл орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Бугунги кунда эса ёру дўстлари, сафдош ва шогирдлари унга "Бахтимизга омон бўлинг, домла!" — дея тилак билдиришяпти.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Бойиржон Маҳкамов қизи ва набиралари даврасида.

Турғунали Ҳошимов олган сура.

ЎЛКАШУНОС МУАЛЛИМ

Ёш мустақил давлатимиз келажак сари дадил одим ташламоқда. Унинг истиқболи буюк бўлиши эса сиз ва бизнинг, қолаверса, бугун турли ўқув даргоҳларида таълим-тарбия олаётган ёшларнинг Ватанга муҳаббат билан қарашига, шу руҳда камол топишига боғлиқ. Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик эса ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади. Шу маънода, мактаблардаги ўлкашунослик тўгаракларининг аҳамияти жуда катта.

Бу борада Тўрақўрғон тумани Сўфизода номидаги 33-ўрта мактабда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабда ташкил этилган ўлкашунослик музейи уч бўлимдан иборат бўлиб, "Қадимги Ахсикент ёдгорликлари", "Шаханд қишлоғи тарихи", "Мактабимиз тарихи" каби муайян мавзу асосида жиҳозланган. Бу хайрли ишни йўлга қўйишда мактабнинг олий тоифали география фани муаллими Абдулфаттоҳ Мавлоновнинг хизмати алоҳида эътиборга молик.

Ахсикент харобалари Шаханд қишлоғидаги қадимий ёдгорлик экани кўпчиликка маълум. Лекин у ҳали тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган. Бу борада Абдулфаттоҳ аканинг ёш ўлкашунослар билан биргаликда амалга ошираётган изланишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ахсикент ҳақида мукаммалроқ маълумот олишни истаган киши мактаб музейидаги мазкур ёдгорликларга бағишланган бўлимдан жой олган осори атиқалар билан танишса, кифоя.

Шаханд қишлоғи 400 йиллик тарихга эга. Қишлоқда бугунги кунда 24 минг аҳоли истиқомат қилади. Унинг тарихини ўрганиш мақсадида Абдулфаттоҳ ака бошлиқ ёш ўлкашунослар тўгараги аъзолари кўп изландилар ва қувонарли ютуқларни қўлга киритдилар. Натижада мазкур музейнинг қишлоқ тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи бўлими ташкил этилди.

Мактаб келгуси йили ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлайди. Унинг тарихини яратиш, шу мактабда фаолият кўрсатган биринчи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода номини мактабга қўйилишида ва мактаб ҳовлисида шоирга бюст ўрнатилишида ҳам Абдулфаттоҳ ака раҳбарлигидаги ёш ўлкашуносларнинг ҳиссаси бор.

Абдулфаттоҳ ака Мавлонов 32 йилдан буён шу мактабда ишларди. Ҳозир нафақахўр бўлса-да, илгаригидек жонкуярлик билан фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларни ўз ўлкасига муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўлкани ўрганишга қизиқиш уйғотиш мақсадида Шаханд қишлоғи, қўшни туман ва вилоятлар бўйлаб саёҳатлар уюштиради. Ҳар бир саёҳатнинг харитаси, саёҳат давомида тўпланган маълумотлар ва қимматбаҳо топилмаларнинг намуналари мактаб ўлкашунослик музейидан жой олади.

Мактабда тарих ва география дарслари кўпинча ўлкашунослик музейида ўтказилади. Бундан ташқари, Шаханд қишлоғи ҳудудидаги мавжуд 7 та мактаб ўқувчилари, шунингдек, тумандаги кўплаб мактаб вакиллари мазкур ўлкашунослик музейида тез-тез бўлиб турадилар. А. Мавлонов раҳбарлик қилаётган ўлкашунослик тўгараги аъзоларининг 1994 йили вилоятда ўтказилган "Энг яхши тўгарак раҳбари" кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллаши ҳам бежиз эмас.

Шаханд қишлоғининг мактабларида география муаллими бўлиб ишлаётган 5 нафар ўқитувчи Абдулфаттоҳ аканинг собиқ ўқувчилари шогирдларидир.

Ҳамкасблари орасида обрў-эътибор топган муаллим Абдулфаттоҳ ака Мавлонов бошлиқ ёш ўлкашунослар изланишни давом эттирмоқдалар. Улар Ўзбекистонимиз мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб музейнинг "Ўзбекистон — Ватаним маним" деб аталган янги хонасини ташкил этишга киришдилар. Бу хайрли ишни амалга оширишда Абдулфаттоҳ акага сиҳат-саломатлик ва куч-қувват тилаймиз.

Абдурашид РАҲИМОВ.
Наманган вилояти.

ЭЛ АРДОҚЛАГАН САНЪАТКОР

Элга танилган санъаткорлар ҳақида сўз юритиш, ижодининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан баҳс очиш, ҳаёт дафтарини варақлаш кишидан алоҳида масъулият талаб этади. Чунки бундай кишилар бор бўй-басти, хизмати, ҳатто оилавий икир-чикирлари билан ҳамиша элнинг кўз ўнгида турадилар.

Асли касби жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлган манғитлик машҳур дорбоз, сеҳргар, полвон, масхарабоз ва ҳиндча йог устаси Тўрабой Эшчонов ҳам ана шундай санъаткорлардан ҳисобланади. Яқиндагина 50 баҳорни қаршилаган Тўрабой билан меҳнат фаолиятимизни бундан чорак аср муқаддам бирга бошлаган эдик. Ўшанда у Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидаги Фурқат номли ўрта мактабга жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб келган, дорбоз ҳам, полвон ҳам эмас, камтар, камсуқумгина ўқитувчи эди. Лекин кўп ўтмай, ўрта бўйли, кенг елкали, бутун вужудидан куч ёғилиб турувчи, йирик кўзлари ҳушёр ва самимий боқадиган бу йигит тўғрисида шундай миш-мишлар тарқалгани эсимда: "Тўрабой дарс чоғида ерда эмас, дорда юрган каби муаллақ юрармиш", "Тўрабой дарсда болаларни ухлатиб қўярмиш", "Тўрабой болаларни сеҳрлар эмиш"...

Миш-мишлар у туман пахтакорларининг ҳосил байрамида дор қуриб ўйин кўрсатиши билан ошкор бўлди-қўйди. Шу-шу унинг мухлислари кундан кунга орта борди. Фақат Амударё туманидагина эмас, қўшни Хўжайли, Гурлан, Нўкус, Шовот туманлари ҳамда қардош Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятидаги қатор шаҳар ва қишлоқларда турли халқ йиғинларида, бозорларда цирк ўйинларини намойиш қилиш оддий ўқитувчи Тўрабой Эшчоновга катта шуҳрат келтирди.

Санъат, айниқса, цирк санъати илоҳий куч-қудрат, салоҳият ва туғма талант маҳсули сифатида ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

— Ота-боболарингиз орасида цирк санъати билан шуғулланганлар борми? — қизиқиб сўраймиз Тўрабойдан.

— Эшитмаганман, — қисқа ва лўнда жавоб беради у.

— Бу санъатга кириб келишингиз қандай кечган?

— Болаликда санъаткор бўлиш фикри етти ўйлаб тушимга ҳам кирмаган, — дея эслайди у. — Жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчимиз берган топшириқларни қийналмай, енгил бажарар эдим. Машқлар чоғида ўзимни қушдай сезардим. Спортга қизиқишим мени Тошкентдаги Жисмоний тарбия институтининг оғир атлетика факультетига етаклади. Ўқиш даврида машҳур дорбоз Комилжон Тошкентбоев ўйинлари буткул эс-ҳушимни ўғирлади. Унинг дор устидаги ҳар бир хатти-ҳаракатини, ўзини тутишини кўздан қочирмай қалбимга жо қилиб бордим. Ҳарбий хизмат чоғида қуролдош дўстим Гусейн Нурмуҳаммедовнинг доғистонча дор ўйинлари юрагимдаги чўғни аланга олдирди. Тош кўтариш, сеҳргарлик, полвонлик санъати аста-секин дорга бошлади. Кейинчалик бухоролик Қосим Абдуллаевдан чўпоёқда юриш сирларини ўргандим.

— Ўзингиз ижро этадиган дор ўйинлари дастури билан таништирсангиз, — гапга соламан санъаткорни.

— Оддий томошабин дор ўйинларини кўради-ю, аммо уларни бир-биридан фарқламаслиги мумкин, — изоҳ беради Тўрабой. — Тузилишига, баланд-пастлигига кўра дорнинг ўзи катта дор, кичик дор, саҳналаштирилган дор, эркин дор каби бир неча турга бўлинганидек, уларда ижро этиладиган ўйинлар ҳам хилма-хилдир. Масалан, ўзим ижро қиладиган "Кўз боғлаш", "Лангар хатар", "Салом-салом", "Дор билан танишиш", "Қопда юриш", "Ғилдиракда юриш" дастурларини кўпчиликнинг ҳайрат билан кузатганини томоша пайтида дилдан сезиб тураман.

Цирк санъати ниҳоятда мураккаб санъат. Хоразмча ибора билан айтганда сўз ёри, ўйин ёри. Яъни ярим ўйин, ярим сўз. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир томошага, томошабинлар даврасига мос сўз ҳам топа билиш керак. Акс ҳолда, санъатингиз томошабинга тўла етиб бормайди.

Шогирдлари ҳақида сўз кетганда, Тўрабой Эшчонов 1987 йилда ўзи тузган "Жайҳун дорбозлари" гуруҳидаги Рўзим Эркаев, Ҳайитбой Жўманиёзов, Карим Бобожонов, Маҳмуд Матчонов, Мақсуд Эшбоевлар номини алоҳида ҳурмат билан тилга олди, уларнинг айримлари санъат билан хайрлашиб, тирикчилик кетига тушиб кетганидан афсусланди.

— Ҳозир оилавий гуруҳ тузганмиз, — деди сўзининг охирида ғурур билан. — Турмуш ўртоғим Ҳайитгул Абдуллаева Нукусдаги республика болалар касалхонасида ҳамширалик қилиш билан бирга, томошаларда конферансе вазифасини бажаради, тош ўйнатади. Ўғлим Эргашбой 3-синф ўқувчиси, чилдирма чалади, сеҳргарлик дастурларида қатнашади, икки ёшли қизим Интизор дор ўйинларида менинг яқин ёрдамчим. Укам Рўзимбой Эшматов полвон, тош кўтаради, масхарабозлик қилади. Хуллас, уларнинг ҳар бири ўзига хос дастури билан томошаларда дор ўйинларига алоҳида шукуҳ бағишлайди.

Биз эл ардоғига сазовор бўлган Тўрабой Эшчонов бошлиқ оилавий санъаткорлар гуруҳига эзгу ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Сафо МАТЖОНОВ.

Боланинг тили ширин

— Гулчеҳра, катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?

— Маҳмуда холамдай бўлганимда доктор бўламан, Шавкат тоғамдай бўлганимда агроном бўламан.

***

— Ойижон, сиз ҳам ойи деб бувимни чақирасиз, бувим ойиларини нима деб чақирадилар?

— Улар ҳам ойи деб чақирадилар.

— Унда мен бувимнинг бувиларини нима деб чақираман?

***

— Жуда қизиқ-а,— деди Лобар мактабдан келиб ойисига.

Расм ўқитувчимиз умрида отни кўрмаган экан.

— Ростдан-а, буни қандай билдинг?

— Мен отнинг расмини чизган эдим, ўқитувчим бу нима, деб сўрадилар.

***

— Ойижон, уруш бошланганида мен қаерда эдим?

— Сен йўқ эдинг.

— Биринчи ракета учирилганда-чи?

— Унда ҳам йўқ эдинг.

— Сиз жуда айёр экансиз-а, ойи. Мени йўқ-йўқ деб ўзингиз ҳаммасини кўрибсиз-да!

Тошкент туманидаги М. Маъмуров номидаги 14-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси **Тошкенбой КАРИМОВ**нинг фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6